

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Марказий сайлов комиссияси раиси брифинг қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови натижаларига кўра, 150 депутат, жумладан, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 36 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 20 нафар депутат сайлангани маълум қилди. 15 депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакиллари. Сайланган 150 депутатнинг 24 нафари хотин-қизларидир.

Сайланган 150 депутатдан 40 нафари илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу сайланган депутатлар нафақат ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлган, балки парламент Қонунчилик палатаси фаолиятида уларнинг ҳаётий тажрибаси ва қонун ижодкорлиги бўйича амалий кўникмаларидан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолияти сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга хизмат қилди. Сайлов жараёнини 550 дан ортиқ миллий ва 120 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситаси, жумладан, 180 дан ортиқ интернет-нашр ёри-

тиб борди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 9 мингдан ортиқ материал эълон қилинди.

5 халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 52 хорижий давлатдан 340 дан ортиқ кузатувчи ва депутатликка номзодларни илгари сурган сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд кузатувчиси ва ваколатли вакили сайловни мониторинг қилиб борди.

Барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг уюшқоқлик билан мустақиллик, қонунчилик, коллегиялик, ошқоралик ва адолатлик тамойилларига асосланган фаолияти сайловнинг демократик принциплар асосида ўтказилиши, ушбу жараёнда амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов халқимиз демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон талғам йўлга содиқлигини яна бир бор намойён этди.

Сардор ТОЖИБЕВ, ЎЗА мухбири.

Ў ЯНГИ ЙИЛ ШУКУҲИ

Президентимиз Ислам Каримов Янги йил байрами муносабати билан халқимизга йўлаган табригида таъкидлаганидек, бутун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибатлик туйғуси нақадар катта бойликдир.



БАЙРАМ САЙЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Юртимизнинг барча ҳудудда кўтаринки руҳда ўтаётган Янги йил шодиёналарида иштирок этаётган ҳар бир юртошимиз бунга яна бир бор катта ишонч ҳосил қилмоқда. Пойтахтимизнинг Хадра майдонига ўрнатилган арча атрофида ҳам байрам сайли қизгин давом этмоқда.

Байрам тантаналари учун барпо этилган саҳнада Ўзбекистон ёшлар театри актёрлари ижросидаги "Ғаройиб воқеа" номли театрлаштирилган томоша кичкинтойларга катта қувонч улашмоқда. Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси, Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси ансамбль ва хонандалари, театр ва цирк санъати усталари, таниқли санъаткорлар, ёш ижроичилар, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваториясининг иқтидорли талабалари ўзларининг ранг-баранг бадиий-муслиқий дастурларини тақдим қилмоқда. Оила аъзолари, дўстлари, фарзандлари би-

лан келган кексаю ёшнинг дилида шундай муборак, фараҳбахш кунларга етказганига шукроналик туйғуси жўш урмоқда.

Набираларим киши таътилни мароқли ўтказиши учун Янги йил тантаналарига келдик, – дейди фарғоналик Хуррият Исаева. – Уларнинг шод-хуррамлигини кўриб қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Бу Юртошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган баркамол авлодни воёга етказиш, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, тинч ва фаровон ҳаёт барпо этиши йўлида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг самараси, албатта.

Байрам тантаналарида она юртимиз, истиқлолийимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янграмоқда. Улкан арча атрофида Қорбобо, Қорқиз, эртақ қаҳрамонлари болаларни рақсага, топқирлик, зукколик, зийракликка чорловчи қувноқ ўйнайларга

таклиф этмоқда. Кичкинтойларнинг беғубор кулгуси байрамга янада завқ, жўшқинлик бағишлаётир.

Байрам томошалари, айниқса, цирк усталари иштирокидаги ўйинлар менга жуда ёқди, – дейди Олмазор туманидаги 249-умумтаълим мактаби ўқувчиси Абдурахмон Комилов. – Укам билан аттракционларда мириқиб ўйнадик, топқирлик баҳсида қатнашдик. Бу мактабимизда ўтказилган "Билимлар беллашувига" да фаол иштирок этишимга, ўқув йилини янги куч билан, кўтаринки руҳда ўтказишимга ёрдам беради.

Янги йил шодиёналари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам давом этмоқда. Байрам тадбирлари давомида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Дилшод КАРИМОВ, ЎЗА мухбири.

Жиззах Вилояти

ЁШЛАР ЯНГИ УЙЛАРДА

Мирзачўл туманида ёш оилаларга мўлжалланган икки қаватли турар-жой фойдаланишга топширилди.

Мазкур 12 хонадонли уй давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да"ги Қарори ва "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида барпо этилди. Бу турар-жойлар давлат мукофотлари билан тақдирланган, халқаро ва мамлакат миқёсидаги нуфузли танлов ва фестивалларда



Қорақалпоғистон Республикаси

ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Президентимиз тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2014 йил 14 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор инсонпарварлик, халқимизнинг фўзига хос бағрикенглик ва кечиримлик фазилатларининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Ушбу ҳужжатда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир ка-

салликларга чалинган деб топилган шахслар, ногиронлар, оғир бўлмаган жиноят содир этганларни жазодан озод этиш кўзда тутилган. Айни пайтда жойларда ушбу қарор ижроси таъминланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида бир гуруҳ маҳкумларга нисбатан мазкур амнистия акти қўлланилиб, жазодан озод этилди. Улар орасида Бахтиёр Тожибоев ҳам бор.

Билиб-билмай қилган хатомни афв этгани, ҳаётда тўғри йўлга тушиб олишим учун имконият бергани учун давлатимиз раҳбаридан гоят миннатдорман, – дейди Б.Тожибоев. – Энди ҳалол меҳнат қилиб, эл-юртимиз фаровонлиги ва таракқиётига муносиб ҳисса қўшишга, фарзандларимни

қомил инсонлар этиб тарбиялашга астойдил ҳаракат қиламан.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам жазодан озод этилганларнинг жамиятга мослашиши, иш билан таъминлиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

А.ОРТИҚБОВЕВ, ЎЗА мухбири.

Фарғона Вилояти

МАҚСАД – ЭЛ СОҒЛИҒИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалида беморларни даволаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Филиалда айни вақтда ўн саккизта даволовчи бўлим фаолият кўрсатмоқда. Уларда вилоят маркази ҳамда туманлардан келган шошилич тиббий ёрдамга муҳтож беморларни даволаш борасида самарали ишлар олиб борилаётгани диққатга сазовордир.

Мазкур илмий марказ филиали 350 ўринга мўлжалланган бўлиб, беморлар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдамида муолажа қилинмоқда.

Шифохонамиз шошилич тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослашгани бизга жуда катта масъулият юклайди, – дейди Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали директори Одил Умаров. – Бўлимларимизда даволаш ишлари бепул олиб борилади. Бу ерда ишлагай шифокорларнинг баъзилари илмий иш билан ҳам шуғулланади. Барча шифокорларимиз беморларни да-



волаш борасида етарли тажриба ва кўникмага эга.

Филиал шифокорлари жамоаси янги йилда кўпроқ фертил ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга ва улар ўртасида профилактик ишларни ривожлантиришга катта эътибор қаратишди. 2015 йилнинг Президентимиз томонидан Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан кексаларга, боқувчисини йўқотганларга алоҳида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, улар ҳолидан хабар олиб туриш каби бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

– Сўх туманининг Қалъа қишлоғидан

келганман, – дейди узоқ йиллар ўқитувчилик касбида ишлаган 76 ёшли пенсионер Бобожон Абзоров. – Бу ердаги реабилитация бўлимининг қўли енгил шифокорлари кўрсатаётган тиббий хизматлардан, айниқса, уларнинг ширин сўз ва ҳушмуомала эканлигидан хурсандман, умрларидан барака топишсин. Оғир ҳолда эдим, мана ҳозир яхши бўлиб қолдим. Худо хоҳласа, Кексаларни эъзозлаш йилида санаторийга бориб, соғлигимни янада мустаҳкамлаб келмоқчиман.

Филиал ходимлари жорий йил давомида ҳам беморларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун астойдил бел боғлаганлар.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган Вилояти

Чўст туманидаги «Чўст пахта толаси» ҳиссадорлик жамиятида уруғлик чигитни тозалаш, саралаш, туксизлантириш ва қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандаларига ҳамда касалликларига қарши кимёвий воситалар билан дорилашга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

КЕЛГУСИ ҲОСИЛГА ПУХТА ТАРАДДУА

Унда вилоят ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги ЎзҚХИИЧ марказининг вилоят бўлими, вилоят "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ва унинг жойлардаги пахта тозалаш корхоналари раҳбарлари ҳамда соҳага оид ташкилот вакиллари иштирок этди.

Вилоятдаги пахта тозалаш корхоналарида етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлаш жараёни кизгин бораётир. Бу борада "Чўст пахта толаси" ҳиссадорлик жамиятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, уруғлик учун жамғарилган ҳосил давлат стандартлари талаблари асосида сақланаётганлиги, жадвал асосида профилактик ишлар олиб борилиб, уруғлик пахта сақланаётган гарамларнинг ички ҳарорати мунтазам ўлчаб борилиши сара уруғ тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Наманган вилояти бўйича 2015 йил пахта ҳосили учун уруғлик чигитларни толадан тозалаш ва навларга ажратиш режаси 7500 тонна бўлиб, туксизлантириш ва қолиблар режаси 3300 тонна ташкил этади. Дорилаш режаси эса 4800 тонна бўлиб, шундан асосий фондга 4000 тонна, захира фондига эса 800 тонна режалаштирилган.

Кўргазмали семинарда бу борада амалга оширилаётган ишлар атрофида муҳокама этилди. Айниқса, ғўза касалликларига қарши курашда уруғлик чигитни кимёвий воситалар билан дорилашда нималарга аҳамият бериш зарурлиги чуқур таҳлил этилиб, керакли хулосалар чиқариб олинди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

Тўл мавсумидан кўнгул тўқ

Ёшнинг қайноқ саратонини қишининг қаҳратон чилласида ҳам ўзига яраша таъшивлари етарли бўлган чорвадор ҳар бир мавсумга қандай тайёргарлик кўришни яхши билади. Энг муҳими, вақтида қўрилган тадорик чорванинг ҳар қандай об-ҳавода ҳам беталафот, чорвадорнинг эса хотиржамлигини таъминлайдиган мезондир. Бунинг яхши биладиган ва етарли тажрибага эга бўлган навоийлик чорвадорлар жорий йил киши мавсумига ҳам пухта ҳозирлик кўрганди. Жумладан, вилоят "Қорақўл" бирлашмаси тизимдаги ширкат хўжалиқларида куз-қиш мавсуми учун мустаҳкам озуқа базаси тайёрланди.

Айни пайтда бирлашма тизимдаги хўжалиқларда 693660 майда шоҳли, 1153 бош қорамол, 5632 бош от, 3162 бош туя парвариш қилинмоқда. Ўтган давр мобайнида хўжалиқлар томонидан келишилган шартномалар асоси-

да 6226,5 тонна гўшт, 204,4 тонна сўт, 67954 дона қорақўл тери, 417,7 тонна жун сотилди.

— Ширкат хўжалиқларида 2014-2015 йил қишлоғига пухта тайёргарлик кўриш, чорва молларининг мавсумдан беталафот

чиқшини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида қўрилганлиги натижасида етарли миқдорда озуқа базаси яратилди. Хусусан, дағал хашак жамғариш учун 158 та турли русумдаги техника воситалари ҳамда белгиланган ҳудудлардаги 133 та бригадаларга 1000 нафарга яқин киши жалб қилинди. Уюшқоқлик билан олиб борилган ишлар натижасида 149135 тонна дағал хашак, жумладан, 1301 тонна беда, 1410,5 тонна сомон ва 146422,5 тонна бошқа озуқа захиралари жамғарилди. Бундан ташқари, ҳудудлардаги тегишли корхоналар билан тузилган шартномаларга

мувофиқ бирлашмамиз тизимидаги хўжалиқларга бугунги кунга қадар 700 тоннадан ортиқ арпа етказиб берилди. Шунингдек, чорва моллари учун 692 тонна пахта шрот, 1120 тонна шелуха, 74 тонна омихта ем захирага олинганди, – дейди бирлашма раиси Улуғбек Халилов. – Ҳар бир мавсумга пухта тайёргарлик кўриш соҳанинг асосий муваффақиятини белгилайдиган омилдир. Шу маънода 2014-2015 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари ўз вақтида амалга оширилганди. Жумладан, мавжуд 1307 та очик, 1088 та ёпиқ қўра, 1038 та чўпон уйи, 136 та ер ости қудуғи ҳамда 1302 та қудуқ тўлиқ таъмир-

ланди. Бу жараёнда, аввало, чўпон уйлари, қўра-қўтонлар ҳамда суғориш объектларини дезинфекциялаш ишларига жиддий эътибор қаратилди.

Йилнинг барча фаслларида ҳам ташвишлардан холи бўлмаган чўпон учун, айниқса, қиш мавсуми жиддий иш синовидир. Ноқулай об-ҳаво шароитида улар озиқ-овқат ва иссиқ кийимлар билан таъминланиши зарур. Ишлаб чиқилган режа-дастурга асосан ҳозиргина вилоятдаги ширкат хўжалиқлари чорвадорлари учун 149,3 тонна ун, 11,5 тонна ўсимлик ёғи, 7 тонна шакар, қариб 10,5 тонна гуруч ҳамда сабзавот маҳсулотлари тар-

қатилди. Бундан ташқари, оилавий пудратчилар етарли миқдорда иссиқ кийим-кечак ва этиклар билан таъминланди.

Вақти-вақти билан отарларни кўчириш, ва насосларининг узлуқсиз ишлашини таъминлаш ҳамда энг асосийси чорва учун ем-хашак, чўпонга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш киши мавсумининг асосий ишларидан биридир, – дейди Улуғбек Халилов. – Бунда айрим ҳолларда муаммоларга дуч келарди. Шу боис, бу борадаги масала ҳам вилоят ҳокимлиги ва тегишли ташкилотларнинг амалий ҳаракатлари билан ўз ечимини топмоқда. Ҳудудларда жойлашган ёнилги қийиш шохдорчалари орқали транспорт воситалари учун ёнилги-мойлаш материаллари етказилмоқда. Аминманки, қўрилган пухта тайёргарликлар кейинги муваффақиятларимизга замин бўлади.

Дилшод МАМАРАҲАБОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

РЕКЛАМА ҲУНИДА

Жонажон юртимиз узра
Янги йил шукуҳи кезмоқда.
Халқимиз қалбида байрам кайфияти,
келажакка ишонч, дориламон кунлардан
масрурлик ҳукмрон. Улкан бунёдкорлик
майдоғига менгзалаётган мамлакатимизда
ободонлаштириш, яратувчанлик борасида
олиб борилаётган савий-ҳаракатлар эса
барчамизга чексиз фахр ва ифтихор
бағишлайди. Кириб келган янги –
2015 йилда ҳам қўлга киритаётган
ютуқларимиз салмоғи,
муваффақиятларимиз кўлами
тобора ортаверсин!

ЭЗГУ ОРЗУЛАРИМИЗ,
ТОҚ ИСПАКЛАРИМИЗ РҲЁБИНИ
КЎРИШ, ВАПАНИ РАВНАҚИГА
МУНОСИБ ҲИССА ҚўШИШ БАХШИ
БАРЧАМИЗГА НАСИБ ЭТИСИН!

**«ЕРГЕОДЕЗКАДАСТР»
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ
ЖАМОАСИ**

РЕКЛАМА ҲУНИДА

**“ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ”
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

барча юртдошларимизни, жумладан,
соҳа ходимларини Янги йил билан қизгин
табриклайди. Давлатимиз раҳбари томонидан
“Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланган
мазкур йилда ҳам меҳнатсевар халқимизнинг
юрт равнақи, дастурхонларимиз тўкинлиги,
ҳаётимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги
эзгу ишлари барорли бўлсин. Барча соҳаларда
олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар
самараси ўлароқ, мамлакатимиз тараққиёти,
иқтисодий салоҳияти янада юксалаверсин!

**ЮРТИМИЗ ТИНИЧЛИГИ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФОЛИГИ
ҲАМДА ОСУДА ҲАЁТИМИЗГА ҚўЗ ШЕЪМАСИН!**



РЕКЛАМА ҲУНИДА



ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИНИ ТИЛАЙМИЗ!

Юртдошларимизни Нискент тумани ҳокимлиги, фермерлари,
зиёлилари, тадбиркорлари, барга туман аҳли, шу жумладан,
«Нискент деҳқон бозори» жамоаси

номидан 2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили билан тин қилган мувораққод этамиз.
2014 йилда катта муваффақиятларни қўлга киритиб, бундай ютуқларни 2015 йилда янада
кўпайтиришга бел болаган нискентликлар барга ватандошларимизга янги йилда мустақам
соғлиқ, имолига ривож, хонадонларига тотувлик, дастурхонларига тўкинлик тилайдилар.
Янги йилда барга юртдошларимизнинг орзу-ниятлари ижобат бўлишини ният қилиб қоламиз.
Жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори янада ошаверсин.

РЕКЛАМА ҲУНИДА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни Янги йил билан
самимий мувораққод этади!
Юртимизда тинчлик, осойишталик ва
фаровонлик барқарор бўлсин!



<p>Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-иқтисодий таркибдаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ТИШАЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОИВ, Эркин КУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдуваҳоб ТАМИҚАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>ISSN 2010-7021</p> 	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-44-43, Факс – 233-44-43, 233-09-93.</p> <p>ХУДУДЛАРДАГИ МУҲБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.</p>	<p>РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: А.ҚАРИШЕВ Мусаҳҳиж: Х.АБДУҒАНИЕВ Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ</p>
--	---	--	--	--	--	---